



Газета 1966 йил
1 июлдан
чиқа бошлаган

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСІЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 14 (11.575)

Баҳоси эркин нарҳда

ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Хунари гўзаллар

ИЗЛАНИШ САМАРАСИ

Мамлакатимиз мустақиллиги йилларида яратилган имкониятлар боис хунармандларимиз янада гайрат-шижоат, алоҳида изланиш билан ранг-баранг ва бетакрор асарлар яратишга муваффақ бўлишмоқда. Миллий хунармандчилигимиз доврғини дунёга таратишмоқда.

Болалигидан расм чизишга иштиёқи баланд бўлган Асатилла Йўлдошев хунар сирларини устозларидан муҳаммад ўрганиб бугунги кунда лок миниатюраси устаси сифатида асарлар яратмоқда. Мактаб давридан тўғрақларга қатнашиб, ўзига хос буюмларга жило берган Асатилла Тошкент Давлат педагогика университетининг бадий графика факультетини тахсил олиб, назарий билимларини мустаҳкамлади. У ўз фаолияти давомида тарихий ва замонавий асарларни ўрганиб, миллийликка эътибор қаратади. Миниатюралар расм яратган асарлар, буюмлар, турли маҳсулотлар ҳозирда 200 хилдан зиёдни ташкил этиб, уларнинг ўз буюртмачи ва харидорлари бор.

Асатилла Йўлдошев республикамизда ўтказилган турли танловлар, кўргазмаларда фаол иштирок этиш баробарида унинг санъат асарлари Германия ва бошқа қатор давлатлардаги халқаро кўргазмаларда эътирофга сазовор бўлмоқда.

— Хунардан ризикинг унар, деб бежизга айтмайдилар, — дейди Асатилла Йўлдо-

шев. — Миллий хунармандчиликнинг мазкур йўналишида меҳнат қилиб, эл-юртга танилдиқ, ўнлаб шоғирдлар етиштирдик. Уларнинг кўпчилиги ҳозирда мустақил ишламоқда, муваффақиятлари билан халқимизни мамнун этмоқда. Албатта, кунт, сабрбардош, билим талаб этадиган, ранглар жилосига аҳамият бериладиган хунармандчи эъозлаш баробарида бетакрор асарларимиз билан санъатимиз доврғини оламга машур этиш эзу ниятларимиздир. «Абулқосим» мадрасасида фаолият кўрсатётган моҳир миниатюра устаси ўтган йилда азим Тошкентнинг 2200 йиллигига бағишлаб кўплаб асарларини тақдим этди. Айна пайтда эса янги санъат асарлари устида изланмоқда.

Шарифа ИЛЁСОВА СУРАТДА: лок миниатюраси усталари Отабек Эрматов, Асатилла Йўлдошев ва Жавлон Хошимовлар ўзлари яратган бетакрор лок миниатюраси буюмлари билан.

Ҳакимжон Солиҳов олган сурат.

Мамлакатимизда аҳолининг ҳуқуқий билимини ошириш мақсадида давлат ва жамоат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорлик тобора мустаҳкамланмоқда. Аҳолини ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш, илмий-оммабоп юридик адабиётлар нашр қилиш ва тарқатиш давлат томонидан қўллаб-қувватланмоқда.

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БАЗАСИ ЯРАТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан қонун ҳужжатларининг ягона электрон базаси яратилгани бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Кенг оммани миллий қонун ҳужжатлари билан таништириш имконини берувчи дастурга мустақиллик йилларида мамлакатимизда қабул қилинган қонунлар, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари, фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, фармойишлари, вазирликлар, давлат кўмиталари ва идораларнинг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари ҳамда Конституциявий суд қарорлари киритилган.

(Давоми 2-бетда).

ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз муҳбирларимиз хабарларидан.

✓ **ТОШКЕНТ** шаҳар Халқ таълими бош бошқармаси ташаббуси билан ўқитувчилар иштирокида уюштирилган тадбирда ўтган йилда таълим соҳасини ривожлантириш борасида бажарилган ишлар ва келгуси режалар муҳокама қилинди.

✓ **БУГУН** Ҳамза туманидаги Шароф Рашидов номли маҳаллада маҳалла фаоллари, ёшлари иштирокида ўтказилган давра оубхати «Гивандлик — ўлим сўқмоғи» деб номланди.

✓ **БУГУН** Миробод туманидаги Ф.Ғулом номидаги маданият уйида бадий ҳаваскорлик жамоалари, тўғрақлар, курслар раҳбарлари ва қатнашчилари, миллий маданият

марказлари вакиллари иштирокида ўтказилган «Рақс кечасига таклиф этамиз» мавзусидаги концерт дастури Тошкент шаҳар корейс миллий-маданият маркази ҳамкорлигида уюштирилди.

Мамлакатимиз электр энергетикаси тармоғини модернизация қилиш, энергия сарфи ҳажмини камайтириш ва энергия тежайдиган тизимни жорий этишга йўналтирилган кенг қўламли ишлар давлатимиз раҳбари Ислам Каримов ташаббуси билан жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларининг иқтисодиётимизга таъсирини юмшатиш мақсадида ишлаб чиқилган Инқирозга қарши чоралар дастурини амалга оширишда муҳим аҳамиятга эга.

Қарор ва ижро

ЭЛЕКТР ЭНЕРГЕТИКАСИ ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 12 мартда қабул қилинган "2009-2014 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техникавий ва технологик қайта жиҳозлаш бўйича энг муҳим лойиҳаларни амалга ошириш чора-тадбирлари Дастури тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, ушбу муҳим тармоқда ўнлаб инвестиция лойиҳалари рўёбга чиқарилмоқда. Улар истеъмолчиларни электр ва иссиқлик энергияси билан ишончли ҳамда сифатли таъминлашга қаратилган. Мамлакатимизда "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонун қабул қилинган, энергия таъминоти алоҳида долзарб аҳамият касб этди. Электр энергетикаси тармоғида ҳуқуқий майдонни такомиллаштиришдан кўзланган мақсад — электр энергиясини ишлаб чиқариш ва истеъмол қилиш самарадорлигини ошириш, истеъмолчиларни энергия билан ишончли ва узлуқсиз таъминлашдан иборат. Ушбу қонуннинг қабул қилиниши электр энергиясини ишлаб чиқарувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларининг ҳам ҳуқуқларини ҳимоя қилиш учун муҳим ўрин тутди.

Бу борада хўжалик юритувчи субъектлар, шаҳар ва қишлоқ истеъмолчилари томонидан электр энергиясини истеъмолини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тизимини такомиллаштириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 июнда қабул қилинган "Электр энергиясини истеъмолини ҳисобга олиш ва назорат қилиш тизимини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини модернизация қилиш ишлари давлат сиёсати даражасига кўтарилди. Кенг қўламли дастурда энергетика объеклари, хўжалик субъектлари ва маиший сектор истеъмолчиларини замонавий электрон ҳисобга олиш приборлари билан таъминлаш кўзда тутилган. Электр энергиясини ҳисобга олиш тизимини такомиллаштириш вазифасини давлат миқёсида ҳал этиш ҳамма мамлакатларда ҳам амалга оширилмаётгани йўқ. Ўзбекистон собиқ иттифоқ ҳудудида бу борада биринчи ҳисобланади.

Электрон электр ҳисоблагичларнинг жорий этилишига қараб, улар орқали электр энергиясини назорат қилиш ва ҳисобга олишнинг автоматлаштирилган тизимлари ташкил этилмоқда. Бунда энергия истеъмоли бўйича ахборотни қайта ишлаш жараёнларини — ахборот тўплаш, қайта ишлаш ва уни ахборот тўплаш марказларига узатишни автоматлаштириш кўзда тутилган.

Айна пайтда автоматлаштирилган

ҳисобга олиш тизимини жорий этиш Ўзбекистон энергетика секторини "Ўзбекэнерго" давлат акциядорлик компанияси ўз кучи билан амалга ошираётган асосий инновация ҳисобланади. Бу борадаги тахриба лойиҳалари компания корхоналари, мамлакатимиз ҳудудлари, Тошкент шаҳрининг айрим туманларида синновдан ўтказилмоқда.

Автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимини жорий этишни жадаллаштириш мақсадида 2004 йили ташкил этилган "Электрон ҳисоблагич" Ўзбекистон-Хитой қўшма корхонаси муваффақиятли фаолият кўрсатмоқда. Ҳозирги пайтда украиналик ҳамкорлар билан электрон ҳисоблагичлар ишлаб чиқариш бўйича иккинчи "Телекарт-прибор" қўшма корхонасини ташкил этиш ишлари ниҳосига етмоқда.

— Ўзбекистон Республикасининг яқинда қабул қилинган "Электр энергетикаси тўғрисида"ги қонунда "электр энергиясини" мақоми илк бор бир пайтнинг ўзида ҳам ишлаб чиқариладиган, ҳам истеъмол қилинадиган алоҳида товар сифатида белгиланди, — дейди УЗА муҳбирига "Ўзэнергосозлаш" унитар корхонаси директори Илья Лейтес. — Бозор шароитида электр энергиясини сарфини ишончли ва тезкор ҳисобга олиш энергетика корхоналари учун ҳам, истеъмолчилар учун ҳам долзарб вазифага айланмоқда. Мавжуд ҳисобга олиш тизимлари модернизация қилиниб, маълумотларни масофадан туриб олиш имконияти яратилган, кўп сонли назоратчилар ишига ҳожат қолмайди. Автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизимининг асосий афзаллиги шундаки, уни қўллаш энергия йўқотишларни камайитириш ва унинг сарфини ҳисобга олиш ҳамда назорат қилиш тизимини такомиллаштириш имконини беради.

Яратилмаётган автоматлаштирилган ҳисобга олиш тизими кўп функцияли электрон ҳисоблагичларга асосланган. Бундай прибор корпусига истеъмол қилинган электр энергиясини ҳисобга олиш билан бирга, ушбу ахборотни энергия таъминоти ташкилотининг дастурий-техник комплексига узатадиган мослама ўрнатилган. Бундай ҳисобга олиш приборлари энергетика корхоналари, янги қурилаётган санъат объекти ва фуқаролар хонадонларига ўрнатилмоқда.

Автоматлаштирилган ҳисобга олишнинг ягона тармоғи, ҳуқумат қарори доирасида, 10 та иссиқлик электр станцияси, электр тармоқларининг 14 та худудий корхонаси, олти гидро-электр станция каскади ва магистрал электр тармоқлар корхонаси — "Ўзэлектртармоқ"даги 31 та ахборот тўплаш марказини ўз ичига олади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТИМИЗДА

• Тошкентдаги Халқаро ҳамкорлик марказида кеча "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасини ривожлантириш бўйича қўшма маслаҳат дастурининг семинари бўлиб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги томонидан Корея Республикаси Стратегия ва молия вазирлиги, Корея ривожланиш институти ва Корея халқаро иқтисодий сиёсат институти билан ҳамкорликда ташкил этилган ушбу тадбирда икки мамлакатнинг қатор вазирлик ва идоралари, молия институтлари вакиллари, мутахассис ва экспертлар иштирок этди.

• Жиззах шаҳридаги «Эталон-Сангзор» қўшма корхонасида 232 минг АҚШ доллари миқдорини киритилган сарможа ҳисобига жакар матоси ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Мебелчилик саноатида кенг қўлланиладиган ушбу мато шу пайтгача валюта эвазига четдан келтирилган эди. Айна пайтда корхона жамоаси дастлабки 20 минг погонметр мато ишлаб чиқариб буюртмачиларга етказиб берди.

• Андижонда «Аликасиер» номли комплекс хизматлар маркази очилди. Уни Венгрия лойиҳаси бўйича маҳаллий тадбиркор Тохиржон Усмонов «Ҳамкор-банк»дан олинган 200 миллион сўмлик имтиёзли кредит ҳисобига бунёд этди. Комплекс хизматлар марказидан иккита мини маркет, парҳез таомлари ошхонаси, 400 ўринли маросимлар зали, шунингдек, тренажёр заллари ўрин олган.

• Маҳалла фуқаролар йиғинлари ҳузурини яратишга комиссияларининг иш фаолиятини такомиллаштириш ҳамда уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида «Энг фаол яраштириш комиссияси» ҳамда «Энг фаол хотин-қизлар кўмитаси» кўрик-танловларининг Янгийўл шаҳар босқичи бўлиб ўтди.

• Кеча Тошкентдаги «Олимпия шон-шухрати» музейида миллий спортимиз — кураш бўйича йил якунларига бағишлаб ташкил этилган матбуот анжуманида ўтган давр давомида амалга оширилган ишлар ва келгуси режалар ҳақида журналистларга батафсил маълумот берилди.

ЖАҲОНДА

• Россия ва Голландия ўртасида халқаро автомобиль қатновини йўлга қўйиш тўғрисида ҳукуматлараро битим имзоланди.

• Кеча жаҳоннинг етакчи хом ашё биржаларида ўтказилган савдолар чоғида нефть нархининг пайсанглиги кузатилди.

• Буюк Британия Бош вазири Г.Брауннинг таъкидлашича, эндиликда террорчилар билан алоқадда гумон қилинаётган шахсларнинг мамлакат ҳудудида парвоз қилувчи самолётларга чиқиб ман этилади.

• Нигерияда тўрт кундан буён давом этаётган диний можаролар юзасидан тўқнашувлар натижасида 460 дан ортиқ киши ҳалок бўлди.

• Кеча Ирландияда авиадиспетчерларнинг иш ташлашлари натижасида 150 та ҳаво рейси бекор қилинди.

• АҚШда сенаторлар ва Конгресс аъзоларидан иборат махсус комиссия тузилди. Унинг вазифаси жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозига олиб келган барча сабабларни ойдинлаштиришдир.

• Хитойнинг Гуандун музофотидаги аккумуляторлар ишлаб чиқарувчи завод шаҳардаги атроф-муҳит ифлослашувининг бош омили деб ҳисобланганлиги учун ёпилиди. Корхонада экологик тартиб ўрнатилгунга қадар у фаолият кўрсатмайди.

• Калифорнияда «Олтин глобус» мукофоти совриндорларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Олтин эттинчи бор уюштирилган мазкур тадбирда бош соврин Жеймс Кэмерон томонидан суратга олинган «Аватар» фильмига берилди.

• Олимлар Исроил ва Иордания чегарасида жойлашган саҳрода улкан ўргимчакнинг янги турини кашф этдилар. Тадқиқотчилар ўргимчакка *Cerbalus arvensis* номини бердилар. Унинг ҳашаротлар ва ҳатто калтакесаклар билан озиқланиши аниқланди. Олимларнинг таъкидлашларича, ўргимчакнинг мазкур янги тури табиятда йўқ бўлиб кетиш арафасидадир.

• Франция Европа қитъасида ёши улуг кишиларнинг кўплиги жиҳатидан биринчи ўринга чиқди. Бугунги кунда ушбу мамлакатда юз ёшдан ошганлар сони 20 мингга яқин кишини ташкил этмоқда.

Ўсиб келаятган ёш авлодни жисмонан етук, маънан баркамол этиб вояга етказиш мамлакатимизда амалга оширилайотган устувор ўзгаришларнинг муҳим қисмини ташкил этади.

Айниқса, жорий йилнинг Президентимиз томонидан «Баркамол авлод йили» сифатида эълон қилиниши бу борадаги ишларга юксак эътибор қаратилаётганлигининг тасдиғидир.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ташаббуси билан Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси ҳамкорлигида Шайхонтохур туманидаги 2-Республика тиббиёт коллежиде ўтказилган «Баркамол авлод — келажак пойдевори» мавзудаги тадбирда юқориде тилга олинган масалаларга атрафлича эътибор қаратилди.


Унда Адлия вазирлиги ходимлари, Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси, шаҳар ФХДЭ органлари раҳбарлари ва давлат нотариал идоралари катта нотариуслари, шаҳар Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси, Халқ таълими бошқармаси ҳамда «Маҳалла» жамғармаси, «Камолот» ЁИХнинг Тошкент шаҳар бўлими Кенгаши, Шайхонтохур туман ҳокимлиги ва оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди.

Йигилиш қатнашчилари Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси бошлигининг биринчи ўринбасари Нўмон Мухаммадиев, Адлия вазирлиги Ахборот хизмати раҳбари

Тўрабек Тўраев, Чилонзор ту-

Анжуманлар

БАРКАМОЛ АВЛОД — КЕЛАЖАК ПОЙДЕВОРИ



мани ФХДЭ бўлими мудираси Дилором Сулаймоновларнинг баркамол авлодни тарбиялашда адлия идораларининг роли, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, соғлом оила — соғлом жамият сингари мавзуларга қаратилган маърузаларини тингладилар. Биз фурсатдан фойдаланиб, тадбир иштирокчилари-

ни суҳбатга тортдик. — Бундай тадбирларнинг ўтказилиши оила қуриш бўса-ғасида турган ёшларимизнинг ҳуқуқий онги ошишида ўз ҳиссасини қўшишига аминман, — дейди Миробод тумани ФХДЭ бўлими мудираси Наргис Мирзааҳмедова. — дейди 2-Республика тиббиёт коллежи II босқич талабаси Алтингул Тўқсонбоева. — Уйлаймизки, тенгдошларимиз баркамол авлодни шакллантириш борасидаги ўзгаришларга гувоҳ бўлиш тумани ФХДЭ бўлими мудираси Наргис Мирзааҳмедова билан ҳамкорлик қилиш асосида 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчилар қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан бепул фойдаланиш имконига эга бўлди. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини юритиш, техник жиҳатдан сақлаб туриш ва модернизация қилиш ишларини молиялаштириш Судлар ва адлия органларини ривожлантириш маблаглари ҳисобига амалга оширилиши белгиланди.

— Шубоис бу борадаги ишларини янада ривожлантиришимиз, халқимиз онгу талабасида адлия идораларининг роли, бола ҳуқуқларининг кафолатлари, соғлом оила — соғлом жамият сингари мавзуларга қаратилган маърузаларини тингладилар. Биз фурсатдан фойдаланиб, тадбир иштирокчилари-

боғланган ҳолда тизимли ва босқичма-босқич амалга оширилмоқда. Жумладан, ёшларимизнинг ҳуқуқий маданиятини янада юксалтириш, уларни Конституциямиз ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳурмат руҳида тарбиялаш, ёшларнинг эркин фикрлаш қобилияти, нутқ маданиятини ўстириш, ижтимоий фаоллигини ошириш, зукко ёшларни аниқлаш, уларни рағбатлантириб бориш бугунги кундаги долзарб масалалар сирасига қиради.

Ушбу йўналишдаги ишларни ташкиллаштиришда адлия органлари мавжуд имкониятлардан фойдаланиб келмоқда. Биргина Тошкент шаҳар Адлия бошқармаси мисолида тўхталадиган бўлсак, 2009 йилда бошқарма ва унинг қўйи тизими ходимлари томонидан ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишга оид 279 та тадбир ўтказилиб, оммавий ахборот воситалари орқали 100 га яқин чиқишлар ташкил этилди. Жумладан, бўлиб ўтган тадбир давомида ҳам бола ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий асослар тўғрисида вазирликнинг тажрибали мутахассислари томонидан тушунчалар берилиб, ёшларни қизиқтирган барча саволларга жавоблар қайтарилди.

Тадбир сўнгида «Ҳуқуқ билмидолларни» аниқлашиб, мутасадди ташкилотларнинг эс-далик соғвалари билан тақдирланиши.

Хидирали ПАНЖИЕВ СУРАТЛАРДА: бўлиб ўтган тадбирдан лавҳалар.

ҲУҚУҚИЙ АХБОРОТ БАЗАСИ ЯРАТИЛДИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси - "LexUz" ҳуқуқий ахборот излаш тизими"дан фойдаланиш аҳолининг барча қатламлари учун фойдаланди. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан кенг фойдаланишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида 2010 йил 1 январдан бошлаб барча фойдаланувчилар қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасидан бепул фойдаланиш имконига эга бўлди. Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасини юритиш, техник жиҳатдан сақлаб туриш ва модернизация қилиш ишларини молиялаштириш Судлар ва адлия органларини ривожлантириш маблаглари ҳисобига амалга оширилиши белгиланди.

Айтиш жоизки, мазкур дастур воситасида миллий қонунчилигимиз тарихи билан танишиш, мустақиллик даврида амалга оширилган ислохотлар ва ўзгаришларнинг ҳуқуқий асосларига оид адабиётларни ҳам топиш мумкин. Ахборот дастурида 20 мингга яқин ўзбек ва рус тилларидаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатлар жамланган.

Н.АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Тиббиёт

ҲАМКОРЛИК САМАРАСИ

Туркия Соғлиқни сақлаш вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган «Замонавий технологиялардан репродуктив саломатликни яхшилаш учун фойдаланиш» дастури доирасида республикамизда ибратли ишлар олиб борилмоқда.

Туркиянинг Ўзбекистондаги ҳамкорлик ва ривожланиш агентлиги кўмағида оналик ва боланинг тиббий ҳимоялашга оид лойиҳа ҳам ўз ижобий натижасини бераётди.

Тошкент Педиатрия-тиббиёт институтида «Ўзбекистонда янги туғилган чақалоқлар саломатлигини техник қўллаб-қувватлаш маркази ташкил этилиши ҳам айни муддао бўлди. Марказни замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш учун катта миқдорда маблағ ажратилди.

Меҳр-муруват — олий қадрият

ДИЛЛАР ШОД БЎЛДИ

Яқинда шаҳримиздаги «Гранд Мир» меҳмонхонасида ижтимоий ҳимояга муҳтож ёшлар иштирокида байрам тадбири ташкил этилди.

Ушбу тадбир жисмоний имкониятлари чеklangан қизларнинг фаоллигини ошириш, ноёб иқтидорларини намойён қилиш, бирлаштириш, ўзларини жамиятнинг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ҳис этишларига, ҳаётта ўз ўринларини топишга кўмаклашиш, қўллаб-қувватлаш мақсадида ўтказилди. Шунингдек, ушбу тадбирда «Истикбол» жамоасининг ташкил этилгани муноса-

Республика ихтисослаштирилган акушерлик ва гинекология илмий-амалий тиббиёт марказининг моддий-техника негизи янада мустаҳкамланди.

МУСТАҲКАМ ИЛМИЙ НЕГИЗ

Давлат сиёсатининг устувор вазифасига айланган оналик ва боланинг муҳофаза қилиш борасида амалга оширилайотган тиббий тадбирлар марказ фаолиятини давр талаблари асосида ташкил этишда муҳим омил бўлаётди. «Генитал эндометриоз консерватив терапияси имкониятлари» каби мавзулари доирасида уюштирилган тадқиқотлар натижалари ҳам муолажаларнинг самарали бўлишини таъминламоқда.

Марказда янги очилган бўлимларда ҳам долзарб мавзуларда илмий изланишларга қўл урилди.

Акбар АЛИЕВ

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЎЗБЕК МАТЕМАТИКА МАКТАБИ ДАВОМЧИЛАРИ

Биз яшаётган XXI асрда илм-фан, интеллектуал салоҳият тараққиёт мезонига айланиб, тобора юксак босқичга чиқмоқда. Мамлакатимизда Президентимиз Исроил Каримов раҳнамолигида илм-фанни ривожлантиришга қаратилаётган эътибор, ёш олимларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, илмий тадқиқотларни ҳаётга татбиқ этиш борасида яратилаётган шарт-шароит ва имкониятлар ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилаётди. Математик олимларимиз олиб бораётган илмий изланишлар, бу борада яратилаётган ютуқлар бунинг ёрқин далилидир.

Аниқ мантиқий мушоҳадаларга асосланадиган математика фани барча соҳаларга бевосита ёки билвосита дахлдордир. Бу фаннинг тараққиёт топиши Ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек сингари буюк аждодларимиз номи ва фаолияти билан боғлиқ эканини бутун дунё олимлари эътироф этади. Президентимиз Исроил Каримов «Юксак маънавият — енгилмас куч» асаринда Ал-Хоразмийнинг ўнлик санок системасини, алгоритм ва алгебра тушуначларини дунёда биринчи бўлиб жорий этгани умуминсоний тараққиёт риивожи учун катта аҳамиятга эга бўлганини таъкидлайди: «Бугунги кунда одамзотнинг илм-фан ва замонавий технологиялар борасида эришаётган улкан ютуқларини кўз олдимизга келтирар эканمиз, бештиёр ана шу бобомиз мисолида бундай юксак марраларга эришишда ўзбек халқининг ҳам муносиб ҳиссаси борлигини қалбимиз ифтихорга тўлайди».

Юртимизда математика фани қадимдан ривож топган, бугун ҳам бу анъана изчил давом этмоқда. Т.Саримсов, С.Сирожиддинов, М.Салоҳиддинов каби атоқли академиклар математика соҳасида ўз илмий мактабларини яратдилар. Бугун мамлакатимизда ана шу мактаблар давомчилари бўлган қўллаб ёшлар математикларнинг янги қирраларини кашф этмоқда. Соҳанинг энг устувор йўналишлари бўйича олиб бораётган илмий изланишлари билан улар дунё миқёсидаги кашфиётларга муносиб ҳисса қўймоқда.

Кейинги йилларда илм-фан соҳасида олимларимизнинг халқро алоқалари, ривожланган мамлакатлар тадқиқотчилари билан ҳамкорлиги кенг ривожланди. Айни пайтда математик олимларимиз изланишлари учун ҳам катта имкониятлар очилди. Бугун Ўзбекистон Фанлар академияси Математика ва информатсион технологиялар институти кутубхонасида соҳага оид излаб қимматли китоблар, илмий журналлар мавжуд. Институт олимларининг Бонн, Оксфорд, Кембридж сингари нуфузли университетлар билан мунтазам илмий ҳамкорлиги йўлга қўйилган. Бунинг натижасида ҳар йили Ўзбек математикларининг юздан ортиқ илмий мақолалари АКШ, Германия, Буюк Британия, Италия каби ўндан зиёд мамлакатлардаги нуфузли илмий журналларда чоп этилмоқда. Яқинда таниқли математик олимларимиздан академик Шавкат Аюпов ва фан доктори Каримберган Худойбергановнинг АКШдаги энг нуфузли илмий нашрлардан бири — «Journal of Functional Analysis» журналинда математиканинг долзарб муаммоларига бағишланган мақолалари чоп этилди. Бунга қизиқанг италиялик машҳур математик Л.Акарди олимларимиз билан илмий ҳамкорлик қилиш истагини билдирди.

Ўзбекистон Фанлар академияси Математика ва информатсион технологиялар институти директори Шавкат Аюпов ҳар йили дунёнинг энг салоҳиятли 5 нафар олимни ўз сафига қорлайдиган «Ривожланаётган мамлакатлар академияси»нинг ҳақиқий аъзоллигига қабул қилингани ҳам мазкур фан йўналишидаги ютуқларини сирасидандир. Бундан ташқари, ушбу институтининг етакчи илмий мутахассислари, соҳанинг энг ёш фан докторлари Ўткир Розиков ва Баҳром Омидов мазкур академиянинг 40 ёшгача бўлган илм аҳлини ўзида жамлаган ёшлар секцияси аъзоллигига сайланиб, мамлакатимиз ёш олимлари салоҳиятини намойён этди.

Юртимизда математиканинг жаҳон миқёсидаги юксак ўрнини таъминлаш, илм-фанда эришилган натижаларни амалиётга татбиқ этиш бугунги кунда олимларимиз олдида турган долзарб вазифалардан ҳисобланган. Албатта, математика фаннинг ютуқларини тўлалигича амалга оширишда мушкул. Шу боис ҳам олимларимиз томонидан юртимизда фундаментал фанларнинг жаҳон миқёсидаги даражасини сақлаш ва ривожлантириш масаласига алоҳида эътибор қаратилаётди.

Мамлакатимизда математика соҳасидаги изланишлар учун ажратиладиган грантлар фундаментал, амалий ва инновацион тадқиқотлар ривожига қаратилгани билан аҳамиятлидир. Бунинг самарасида ёш олимларимиз қўллаб-қувватлаш тадқиқотлари устида иш олиб бормоқда. Ҳатти бу билан математика фанлари доктори бўлган Ўткир Розиков бошчилигида олиб борилаётган Гиббс ўлчовлари назарияси, эволюцион операторлар сингари муҳим илмий йўналишлардаги тадқиқотлар шулар жумласидандир. Гиббс ўлчовлари йўналишида олинган ҳар бир натижа янги физикавий тизимлар учун фаза алмишилар масаласини қил қилади. Эволюцион операторлар жаҳонда эришилган муваффақият эса биологик тизимлар авлодларини башорат қилиш, уларга олдиндан таъсир кўрсатиш имконини беради. Авлод алмишида қандай генетик белгилар сақланиб қолиши математик усуллар билан аниқ исботлаб берилади.

Мамлакатимизда таниқли олимларимиз фаолиятини муносиб давом эттирадиган ёш математиклар етишиб чиқмоқда. Яқинда Президент стипендияси соҳиб бўлган Шерзод Муродов, фаол илмий изланиш олиб бораётган Рустам Турдубоев, Фаррух Шаҳидий, Мансур Собиров, Абдор Худойбердиев, Фолиб Ботиров ана шундай иқтидорли ёшлар сирасига қиради. Қувонарлиси, 2009 йилнинг июль ойида Германиянинг Бремен шаҳрида юздан ортиқ мамлакат вакиллари ўртасида ўтказилган 50-Халқаро математика олимпиадасида олти нафар ўқувчимиз Ўзбекистон шарафини муносиб ҳимоя қилди. Самарқанд иқтисодий ва сервис институти қошидаги академик лицей ўқувчиси Диёра Салимова кумуш, Қорақўл туманидаги 1-сонли иқтисодий болалар мактаб-интернати ўқувчилари Абдор Пирназаров ва Азизхон Назаров бронза медалларини қўлга киритди.

Ёш математикларни тайёрлаш мақсадида ҳар йили талаба-ёшлар иштирокида илмий семинарлар ўтказилмоқда. Йигит-қизларнинг аниқ фанларга қизиқишини оширишда «Физика, математика ва информатика» илмий-усlubий журнали ҳам муҳим омил бўлмоқда.

Умид ЁҚУБОВ, ЎЗА шарҳловчиси

Сергели тумани политехника касб-хунар коллежи томонидан 1997 йилда Карнаева Наталья Николаевна номига берилган №048825 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

В.РУДКОВА

ХАФТАЛИК ТЕЛЕДАСТУРЛАР

Давомий Боши 3-бета

17.50 «Сизнинг адвокатингиз»... 17.55 «Отин мерос»... 18.05 Миллий сериал: «Урман-заралари»...

13.00 «Салом, Тошкент!»... 14.00 «Дунё» теледастури... 14.55 «Уйларим»... 15.00 «Пойтахт»...

9.30 Особо опасен!... 10.00, 13.00, 16.00, 19.00 Сегодня... 10.20 «Средний класс»...

19.25, 20.00, 20.55 Эълонлар... 19.30 «Ахборот»... 20.05 Миллий сериал: «Денгиздан томчи»...

19.15 «Истеъдод»... 19.35 Миллий сериал: «Муҳаббатим қисматим»... 20.00 «Пойтахт»...

15.05 Своя игра... 16.25 X/ф «Жаҳда экстрима»... 15.25 Профессия: репортёр... 19.55 «Программа максимум»...

10.00 «Ватанпарвар»... 10.40 «Орузманд»... 12.20 «Болалар табассуми»... 12.30 «Хайт суқумлари»...

20.00 Воскресное «Время»... 21.00 «Большая разница»... 22.00 «Южное Бугево»... 22.50 X/ф «Изоминка»...

Спорт

ЕНГИЛ АТЛЕТИКАЧИЛАР БАХСИ
Пойтахтимиздаги Республика олимпия захиралари коллежида енгил атлетика бўйича олий спорт маҳорати мактабларининг очик биринчилиги ва Тошкент шаҳри кубоги мусобақасида юртимизнинг турли ҳудудларидан 250 нафарга яқин спортчи куч синашди.

ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР / ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

ХАМШАҲАРЛАРИМИЗ ДИҚҚАТИГА!
Ер ости ўтиш йўлининг қурилиши ва Амир Темур хиёбони (қурантлар атрофида) бўйлаб ҳаракатнинг тўхтатилиши муносабати билан 2010 йил 22 январдан бошлаб ҳаракат ёпилган вақт давомида «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси йўловчи транспорти фаолиятини қуйидаги йўналишлар бўйлаб ташкил этади.

МАДАНИЯТ ВА СПОРТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
16 январдан бошлаб АФРИКАЛИК МЕХМОНЛАР
ранг-баранг дастури
Тошшаҳар шаба куллари соат 15.00 да, яшанбада эса соат 12.00 ва 15.00 да бошланади.

«Республика Кўчас мулк биржаси» ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибда ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!
Аукцион савдосига М.Улуғбек тумани суд ижрочилиги бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такоран қўйилмоқда: 1. «NISSAN ALMERA» русумли, д/р D439PXM бўлган, 1996 йилда и/ч, Тошкент ш. Божона бошқармаси жарима майдончасида сақланаётган, автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 24.09.08й, №1-712-08). Бошланғич баҳоси – 10 473 300 сўм. 2. Тошкент ш., М.Улуғбек т. Гёте кўчаси, 52-ўйда (Тошкент вилояти ИИББ ЙХББ биноси) сақланаётган, «Daewoo Tico» русумли, д/р A532BXN бўлган, 1995 йилда и/ч автотранспорт воситаси (ижро ҳужжати 15.01.2009й, №38). Бошланғич баҳоси – 3 902 693 сўм.

Бош муҳаррир
Акмак АҚРОМОВ
Манзилми: 100029,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълонлар: 233-28-95,
236-57-65. факс: (371) 232-11-39.
Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба
ва жума кунлари чиқади.
Нашр кўрсаткичи — 563
ISSN 2010-9229

Газета Тошкент шаҳар
Матбуот ва ахборот
бошқармасида 02-1-рақам
билан рўйхатга олинган.

Нашриятчилик бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почта»га — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.
Газета «Тошкент оқшомининг» компьютер марказида терилиш ва сақланади.
«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси бошқармаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
12 / 5
Топширилган вақти: 13.50